
Халқ депутатлари Олтиариқ туман кенгаши

Халқ депутатлари Олтиариқ туман кенгаши томонидан ""Аёллар дафтари" ва "Темир дафтар" рўйхатида турувчи аҳоли муаммоларини ҳал этиш мақсадидаги Президент фармони ижросини таъминлаш" юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар фаоллари, секторлар масъул котиблари иштирок этди.

Семинарда туман кенгаши котибият мудирини Ў. Отабоев Президентимизнинг ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласида 2021 йил қабул қилган ПФ-33-сонли фармони ижросини юзасидан маълум қилди.

Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Р. Хамдамов мазкур фармон ижросини ташкил этишда маҳалла фаолларининг олдида турган вазифалар ҳақида тушунчалар берди.

2022-08-25 17:27:41